



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 26 ноябрь,
№99 (1066)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

Стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 24-25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Икки давлат раҳбарлари аънавий дўстлик ва очкичлик руҳида ўтган музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг асосий масалалари, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама этилди.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни 2013 йилнинг июнь ойида Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожлантириш икки мамлакат халқларининг туб манфаатлари, уларнинг тарихий ва маданий яқинлиги, вақт синовидан ўтган мустаҳкам дўстлик ва қардошлиқ ришталарига мослигини, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, уни барқарор ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, томонлар мазкур ташрифга олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг кўп томонлама муносабатларини таҳлил қилиш учун қулай имконият сифатида қарамқоқда.

Маълумки, глобал ривожланиш бекарорлик билан кечмоқда, жон ҳаётлиқ-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳамон кескинлигида қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни янада фойдаланишдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди. Президентлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун икки мамлакатда ҳам улкан салоҳият мавжудлигини, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, институтлар ва форумлар доирасида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантиришга томонларнинг интилиши муштарак эканини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Ушбу мамлакатда тинчликка эришилиши минтақамиз

ва унинг ташқарисиди ҳам хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев Марказий Осиёда мустаҳкамлаш ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг умумий масъулиятини инobatга олган ҳолда, терроризм, экстремизм, наркотиклар ва курол-яроғнинг ноқонуний айланиши, шунингдек, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликнинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларда иқтисодий ҳамкорлик стратегияси талабларини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Транспорт ва транспорт коммуникациялари, чунончи, мамлакатларимизнинг улкан транзит салоҳиятидан фойдаланиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Ислам Каримов юқларни ташишда, жумладан, темир йўл транспорти ёрдамида олиб ўтиш ва етказиб бе-

ришда ўзаро мақбул тариф преференцияларини тақдим этиш муҳимлигини таъкидлади. Бу транспорт коридорларининг рақобатдошлигини ошириш, улардан янада самарали фойдаланиш имкониятини яратди.

Музокаралар жараёнида Оролни кутқариш халқаро жамғармаси фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Ушбу жамғарма минтақа мамлакатларига Орол фожисидан азият чекаётган ҳудудларни экологик соғломлаштириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ўзига хос имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракат дастурининг учинчи босқичини самарали амалга оширишга йўналтирилган минтақавий ва халқаро савий-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ва бундан бунён ҳам қўллаб-қувватлайди. Шу муносабат билан Қозоғистон Республикаси Оролни кутқариш халқаро жамғармасига Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасида шу йилнинг октябрь ойида «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкор-

ликни ривожлантириш» мавзусида Урганчда ўтказилган халқаро конференция якунларини юксак баҳоладилар.

Халқларимизнинг маънавий яқинлиги ва кўп асрлик аънавий муносабатларига асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ташриф асносида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистон Президенти хамроҳлигида Остона шаҳрида яқинда очилган «Назарбоев-марказ» кўп тармоқли илмий-таҳлилий ва ижтимоий-маърифий давлат муассасасини боши кўрди. Ушбу марказ ўзига хос фонд-музей бўлиб, бу ерда қозоқ халқининг тарихи, маданияти ва замонавий турмуш тарзини, шунингдек, мамлакат Президентининг фаолиятини акс эттирадиган экспонатлар сақланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон мустақиллик йилларида эришган ютуқларни қайд этар экан, таълим, маънавият, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Олий даражадаги Остона учрашувлари қозоқ халқининг буюк байрами — Мустақиллик куни арафасида ўтгани билан чуқур рамзий маънога эга. Ўзбек ва қозоқ халқлари ҳаёт ва давр синовидан ўтган ишончли қўшнилар, қардошлардир ва шундай бўлиб қолади. Айнан шу боис Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг ҳар бир учрашуви халқларимиз томонидан муҳим тарихий воқеа сифатида кутиб олинади. Зеро, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожини шиддат билан ўзгартириб бораётган бугунги мураккаб шароитда нафақат узоқ муддатли истиқбол, балки бутун минтақамизни барқарор ривожлантириш ва фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутуши билан аҳамиятлидир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга ушбу ташрифи ва унинг якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги имкониятлар очди, халқларимизнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳамкорликнинг янги қирраларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири

Тошкент — Остона — Тошкент.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижлик мутахассислар, эксперт ва олимлар, педагоглар ҳамда шифокорлар иштирок этди.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Маслаҳатчига яқин кўмакчи

«Оммавий маданият» ниқоби остида миллий маънавиятимизга таҳдидлар кучайиб, муқаддас динимизга ёт турли бузғунчи ғоялар билан ёшлар онгини захарлашга уринилаётган бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига услубий ҳамда амалий ёрдам беришни янада кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Талибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Бунда маслаҳатчиларнинг яқин кўмакчиси бўлган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлимчалари бош мутахассисларининг малакасини ошириш орқали маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодини миллий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришга эришиш мумкин.

Самарқанд шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё, Сурхондарё, Сама-



рқанд вилоятлари бўлимлари ҳамда туман(шаҳар) бўлимчалари бош мутахассислари учун семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбирда Фонд мутасаддилари, вилоят хотин-қизлар

қўмитаси вакиллари, ҳуқуқ-тартиб идоралари, Маънавият тарғибот маркази, Аҳоли репродуктив саломатлик маркази ходимлари ҳамда мазкур вилоятлардаги фуқаролар йиғинла-

рида фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

> [2]

Болаларни ижтимоий ҳимоялашда Ўзбекистон тажрибаси

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 64-моддасидан.

Пойтахтимизда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий тажриба» мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Анжуман Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emas» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт қилари, Молия вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати,

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижлик мутахассислар, эксперт ва олимлар, педагоглар ҳамда шифокорлар иштирок этди.

> [2]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 22 ЙИЛИГИ ОЛДИДАН

Ҳуқуқ ва эркинлигимиз, тинчлик ва муваффақиятларимиз кафолати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқимиз хоҳиш-иродаси, асрий оруз-умидларининг олий ифодаси, ҳаётимизнинг Асосий Қонунидир.



Худоёр МАМАТОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Ўтган йилларда Бош Қомисимиз янги демократик давлатчилик ҳамда эркин фуқаролик жамияти қарор топишининг мустаҳкам кафолати бўлди, олдимизга қўйган улуғвор вазифаларга эришиш йўлида амалга ошираётган кенг қамровли ислохотларга қанот бахш этиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини янгилаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда инсонни

улуғлаш, унинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, эмин-эркин, тинч-тотув ҳаёти, фаровон турмуш тарзи учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш беришдек муҳим хусусиятлар ўз аксини топган. Бу муҳим ҳужжатда эркин, очик жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар бирдек қадрланади. Унинг маъно-моҳияти «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг жамий қоидалари ва нормаларига тўла мос келиши билан жаҳонга ўзини намойён этиб, айна шу жиҳатлари туфайли дунё ҳамжамиятининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган

Конституция, мана, 22 йилдирки, мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишнинг, янги қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимини юзага келтиришнинг, жамият ҳаётида демократик тамойиллар барқарорлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини Конституция ва қонунларда белгиланган бўлиб, фуқароларга давлат ва жамият ишларини бошқаришда кенг иштирок этиш имкониятларини яратиш бермоқда. Юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлардан мақсад ҳам фуқароларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий фаолликларини оши-

ридан иборат.

Асосий Қонунимиздаги инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, бу принципни ҳаётга табиқ этишда қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари билан бир қаторда адлия органлари ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб мазкур соҳани ислохот этиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Зеро, республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланганидан муассасалар фаолияти тобора ривожланаётди.

> [2]

Опера ижрочилари танлови

Пойтахтимизда «Competizione dell'Opera» опера ижрочиларининг XIV халқаро танлови давом этмоқда.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Ушбу танлов мамлакатимизда опера санъатини янада ривожлантириш, нуфузини ошириш ва оммалаштириш, ижодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бутун дунёда иқтидорли ёшларни топиш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

«Competizione dell'Opera» Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида санъат ва маданиятни ривожлантириш, маънавиятни юксалтириш, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг халқаро миқёсдаги кенг эътирофи сифатида мамлакатимизда ўтказилмоқда. Ўзбекистонда ёшларнинг замонавий билим олиши учун барча зарур шароит яратилган, ҳудудларда қўллаб-қувватлаш ва санъат мактаблари барпо этилмоқда, ёшларнинг ижод қилиши, санъат намоёндаларини рағбатлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Истиклол йилларида қўллаб-қувватлашимиз энг нуфузли халқаро опера танловлари ғолиб ва совриндорлари бўлди. Уларнинг аксарияти ёшлар экани диққатга сазовордир.

Аънавий «Competizione dell'Opera» танловида дунёнинг барча қитъаларидан 30 ёшгача бўлган 60 нафарга яқин ёш иштирок этмоқда.

— Ўзбекистон театр ва ижодий жамоалари, артистлари ва мусиқачилари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаман, — дейди халқаро ҳайъат аъзоси, Приморск давлат опера ва балет театрининг бадий раҳбари Антон Лубченко (Россия). — Ўзбекистонда истеъдодли ёшлар қўлиги мени хайратга солди.

«Туркистон» санъат саройида 25 ноябрь куни «Competizione dell'Opera» танловининг икки турдан иборат ярим финал босқичи бошланди. Ҳар бир турда ёш опера хонандалари белгиланган дастурга мувофиқ мумтоз опера асарларидан ариалар ижро этади. Уларнинг ижроси таниқли опера хонандалари, жаҳондаги йирик опера театрлари раҳбарларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан баҳоланади.

— Саҳнага чиқиш мен учун ҳар гал ҳақиқий синов бўлади, — дейди туркиялик опера хонандаси, Дюссельдорф опера театри (Германия) стажёри Дугус Гюнел. — Танловнинг ушбу босқичи айнан Ўзбекистонда ўтказилаётганидан хурсандман. Негаки, мен бетакрор бу юртга келишни қўлдан бўён оруз қилардим. Барча иштирокчиларга улкан муваффақият тилайман, самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдираман.





Болаларни ижтимоий ҳимоялашда Ўзбекистон тажрибаси

< [1]

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси директори Р.Мустаев, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида муваффақиятли йилларида юртимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the Children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гам-хўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Жорий йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йилги деб эълон қилиниши ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари оид бешта халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортқ қонун қабул қилинган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари таъминланмоқда.

2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун баркамол авлодни вояга етказиш, она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро форумда ёш авлод камолоти йўлидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, соҳа муассасалари фаолиятини ва ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Оилада маънавий қадриятларни кенг қарор топтириш, эҳтиётмад оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга манзилли кўмак бериш, уларнинг жамиятга интеграциялашуви таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги миллий ва хорижий тажриба юзасидан фикр алмашилди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистонда бола камолоти йўлидаги бу каби долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ижроси оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижор ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида таъминланаётганини юксак баҳолади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга оид миллий модель халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётгани таъкидланди.

Юртимизда ҳомиллар доираси скрининг текширув билан тўлиқ қамраб олиш, болаларни ҳафли юқумли хасталикларга қарши эмлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга оид чора-тадбирлар болаликдан ногиронлик, туғма ва ирш ш хасталикларнинг олдини олиш имконини бермоқда. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика Хотин-

қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирилик ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида барча маҳаллада «Ота-оналар университети» ташкил этилган. Фарзанд тарбиясининг ҳуқуқий, психологик, ижтимоий жиҳатларини ота-оналарга атрофлича тушунтириш, зарур маслаҳат кўмагини кўрсатишда ушбу жамоат тузилмалари муҳим ўрин тутаятир.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган. Меҳрибонлик уйлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда тарбияланаётган болаларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши ва касб-хўнар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда эҳтиётмад оилалар фарзандлари, мураккаб тақдирли болалар саломадлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятга интеграциялашувига ёрдамлаштириш борасида изчил ишларни амалга оширмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиётли болалар юртимиз ва хорижий клиникаларда даволанаётган. Туғма хаста болалар учун коррекция-даволаш курслари, тиббий кўриklar ўтказилиб, ота-оналарга ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий кўмак берилмоқда.

Бундай тизимли ишлар халқаро миқёсда ҳам ўрнат олишга аризулик тажриба сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, бу борада тобора фаоллашиб бораётган ижтимоий шериклик ҳақида маълумотга эга бўлдик, — деди ЮНИСЕФнинг болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича эксперти Смаранда Попа (Руминия). — Боланинг баркамол ривожланиши учун энг муҳим мақсад — бу оила. Ўзбекистонда оилаларни мустаҳкамлаш, турмуш маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Бундан қўлаб мамлакатлар ўрнат олса керак. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун билан танишиб, жуда тўқинландим. Унда ижтимоий шериклик қилиш мумкин бўлган барча соҳалар қамраб олингани гоят эътиборлидир.

Анжуманда хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш, болалар манфаатларини таъминлаш, айниқса, ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларга гамхўрлик қилиш, уларни фарзандликка олиш, эҳтиётмад оилаларга ҳар тарафлама кўмак беришга оид эзгу сайё-ҳаракатлар кучли ижтимоий йўналтирилганини, турли ташкилотлар ҳамкорлигида ижтимоий шериклик асосида аниқ ва манзилли тарзда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг бу борадаги илгор тажрибаси кўпгина мамлакатлар учун ўрнат бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда инклюзив таълим ривожлангани эътиборга молик, — деди халқаро эксперт Мэтью Гриффитс (Буюк Британия). — Ушбу таълим тизимини изчил такомиллаштиришга Президент Ислам Каримов раҳнамолигида катта эътибор берилаятгани, Тошкент давлат педагогика университетида мазкур йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш йўлга қўйилгани мамлакатимизнинг келгусида мазкур соҳада янада катта ютуқларга эришишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти, болаларни самарали ҳимоя қилиш учун кураторлик тизими (гейткпинг), болалар саломадлигини муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқлар ва истикболлар, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари, инклюзив таълимни татбиқ этишда ижтимоий шериклик ва халқаро тажриба, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар каби мавзуларда мавзулар тингланди ва муҳокама этилди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Маслаҳатчига яқин кўмакчи



< [1]

— Семинардан кўзланган мақсад фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий қадриятларни кенг тарғиб қилишда бош мутахассислар томонидан кўрсатилаётган услубий-амалий юртимизда маҳаллалар келажак авлод тақдирига таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида кадрланади.

— Семинар, ишонанки, биз сингари бош мутахассисларнинг фаолиятини янада жонлаштиришга хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Фуқаролар вазифалар ижросини изчил таъминлашда бош мутахассислар зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб, уларнинг билим ҳамда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиётмад эмас, балки умуммиллий аҳамиятга молик масала ҳисобланиб, у юртимизда яшайётган ҳар бир фуқаронинг, айниқса, диний маърифат ва маъна-

вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг эзгу мақсадига айланган.

Бола тарбияси ҳақида гап кетганда, дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган ноёб тузилма, ўзига хос тарбия маскани — маҳалла кўз ўнгимизда гавдаланади. Зотан, соғлом бола — намунали оиланинг меъваси бўлса, унинг ҳулқи, одоби маҳалланинг кўркидир. Шу сабабли юртимизда маҳаллалар келажак авлод тақдирига таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида кадрланади.

Семинар, ишонанки, биз сингари бош мутахассисларнинг фаолиятини янада жонлаштиришга хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Фуқаролар вазифалар ижросини изчил таъминлашда бош мутахассислар зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб, уларнинг билим ҳамда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиётмад эмас, балки умуммиллий аҳамиятга молик масала ҳисобланиб, у юртимизда яшайётган ҳар бир фуқаронинг, айниқса, диний маърифат ва маъна-

вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг эзгу мақсадига айланган.

Бола тарбияси ҳақида гап кетганда, дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган ноёб тузилма, ўзига хос тарбия маскани — маҳалла кўз ўнгимизда гавдаланади. Зотан, соғлом бола — намунали оиланинг меъваси бўлса, унинг ҳулқи, одоби маҳалланинг кўркидир. Шу сабабли юртимизда маҳаллалар келажак авлод тақдирига таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида кадрланади.

Семинар, ишонанки, биз сингари бош мутахассисларнинг фаолиятини янада жонлаштиришга хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Фуқаролар вазифалар ижросини изчил таъминлашда бош мутахассислар зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб, уларнинг билим ҳамда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиётмад эмас, балки умуммиллий аҳамиятга молик масала ҳисобланиб, у юртимизда яшайётган ҳар бир фуқаронинг, айниқса, диний маърифат ва маъна-

вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг эзгу мақсадига айланган.

Семинар якунида иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги «Даҳбедий» маҳалласида бўлиб, йиғин фаолияти билан яқиндан танишди ва ҳамда шаҳарнинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Яшил майдон худуди кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ободонлаштириш ҳамда «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармалари ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.

■ Моҳиҳеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»

Тадбирда бошқарма раҳбарлари томонидан уларнинг фаолияти, юртимизда ободонлаштириш борасида амалга оширилган ишлар хусусида маълумотлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда амалга оширилаётган кенг қўламли кўчаларозлаштириш ишлари натижасида яшил майдонлар 15200 гектарни ташкил этаётган. Бу борада 2013 йилда Ободонлашти-

риш бошқармасида ландшафт дизайни бўлимининг очилгани ҳам эътиборга молик.

— Айни пайтда чикинди таший-тириш транспортларимиз сони 371 тага етган, — дейди «Махсустрас» ИЧБ раҳбари Камолитдин Набиев. — Бу эса кўп қаватли уйлар ёнидаги чикиндиларни ҳар кун, ҳовли-жойда истиқомат қилувчи аҳоли чикиндиларини эса ҳафтада икки марта олиб чиқиш имконини бермоқда. Жорий йилда пойтахтимизда 200 га яқин чикиндихона, 100 та

янги турдаги чикинди шохобчаси қурилди. Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига улардан яна 700 дан зиёди қурилади, озиқ-овқат, қозғов ва бошқа чикиндилар учун махсус контейнерлар ўрнатиш кўзда тутилган. Чикиндиларнинг махсус жойларга таш-лалини, хазонларни ёқмаслиқни назорат қилишда маҳаллалар фаолдари, хусусан, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўчаларозлаштириш бўйича комиссия раислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, муаммолар юзасидан фикр алмашишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 22 ЙИЛИГИ ОЛДИДАН

Ҳуқуқ ва эркинлигимиз, тинчлик ва муваффақиятларимиз кафолати

< [1]

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ва худудий тузилмаларни томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида таълим муассасалари, маҳаллалар, тадбиркорлик субъектлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида икки мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбири амалга оширилди. Уларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида кўшилган 80 тадан ортқ халқатари ҳужжатдаги қондалар Конституциянинг муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажариб келаятгани иштирокчиларга аниқ мисолларда тушунтирилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, мурожаатларини қонуний ҳал этиш борасида бошқарма томонидан салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, ўтган 9 ойи давомида фуқаролардан тушган 396 та шикоят ўрганилди. Бу даврда фуқароларнинг турли мазмундаги 162 та аризаси кўриб чиқилиб, 126 таси қаноат-

этиқоди, шахси ва ижтимоий маънавиядан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Иштирокчилар фақат қонун билан белгилаб қўйилган ҳақда ижтимоий адолат принцип-ларига мос бўлиши шарт».

Бағрикенглик — давлат ва жамият тараққиётининг муҳим асосларидан бири. Айниқса, ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида унинг аҳамияти, долзарблиги тобора ошиб бормоқда. Бинобарин, бугун юртимизда 130 дан ортқ миллият ва элат вакиллари ўзаро тотувликда, аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Ҳар бир миллият вакилларининг ўз она тили, маданияти, санъати, халқ ҳунармандчилиги, миллий қадриятларини ривожлантириш имкониятига эга экани жамиятимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан дилолат беради.

Миллий қадриятларимизни ўзи-ўзининг Конституцияимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналар вазифаларининг муҳим аҳамиятига эга экани, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан дилолат беради.

Миллий қадриятларимизни ўзи-ўзининг Конституцияимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналар вазифаларининг муҳим аҳамиятига эга экани, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан дилолат беради.

Миллий қадриятларимизни ўзи-ўзининг Конституцияимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналар вазифаларининг муҳим аҳамиятига эга экани, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан дилолат беради.

Миллий қадриятларимизни ўзи-ўзининг Конституцияимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналар вазифаларининг муҳим аҳамиятига эга экани, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан дилолат беради.

Миллий қадриятларимизни ўзи-ўзининг Конституцияимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналар вазифаларининг муҳим аҳамиятига эга экани, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан дилолат беради.

Миллий қадриятларимизни ўзи-ўзининг Конституцияимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналар вазифаларининг муҳим аҳамиятига эга экани, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан дилолат беради.



■ Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Кўп йиллар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тўмонидан бўлиниши раиси вазифасида ишлаган Ҳақимжон Мулложаонов тўмонидан бўлиниши раиси сифатида фаолият юритаётган. У 2 та қишлоқ ва битта шаҳарча фуқаролар йиғини, шунингдек, маҳаллалардан 41 нафар округ сайлов комиссиялари таркибига жалб этилди.

Таъкидлаш жоизки, тўмонда қарийб 157 минг 700 нафар сайловчи бор. Жами 25 та сайлов округи, 58 та сайлов участкаси тузилган. Уларнинг иш режаси, навбатчилик жадвали ишлаб чиқилган. Куйганёр шаҳарчаси ва мавжуд 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинига биттадан комиссия аъзоси масъул сифатида бириктирилган.

Тўмон сайлов комиссияси раиси барча маҳалла раислари ва сиёсий партиялар раҳбарлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда сайловолди тарғиботни изчил йўлга қўймоқда.

Шу ўринда сайловни демократик тамойиллар, амалдаги қонунчилик талабларига асосан адолатли, очик-ошқора ўтказиш юзасидан қабул қилинган амалдаги қонунлар ҳамда мезъорий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини оммага етказишга алоҳида эътибор берилляпти.

Маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги қиритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти ҳақида аҳолига тушунтириляпти. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тўмон бўлиниши, Ҳакан ва Харабек қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ташаббуси билан ушбу худудларда ёшлар иштирокида «Биринчи бор овоз бераман» акцияси ўтказилди.

Маҳаллаларда илк бор сиёсий жараёнда қатнашадиганлар, фаҳрийлар ва ногиронларнинг рўйхатлари шакллантирилди. Рўйхатни такомиллаштиришда Орол қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидидаги «Гулистон», Хартум қишлоғидаги «Исломобод» ва Найман қишлоғидаги «Гулобод» маҳаллаларида ишлар намунали ташкил этилган. Айнан шу худудларда округ ва участка сайлов комиссияларига ажратилган биноларнинг жихозлаш яши йўлга қўйилган, сайловга оид пано ва шюлар илланяпти.

— Албатта, сайловларнинг очик-ошқора, демократик руҳда ўтишида аҳолининг сиёсий

саводхонлиги, ҳуқуқий билимдорлиги ва юксак маданияти муҳим аҳамият касб этади, — дейди Орол қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Ганиева. — Шунинг учун ҳам асосий эътиборни сайловчилар фаолигини оширишга қаратаймиз.

Тўмоннинг Ю.Мамажонов номидаги маҳалласидан Р.Раҳимов, «Гузар» маҳалласидан Н.Юнусов, «Экин тикин» маҳалласидан С.Ҳолиқов каби фаоллар бошчилигидаги тарғибот гуруҳлари ҳар кун эл орасида. Улар мустақиллик йилларида, хусусан, сайловдан кейинги даврда юртимизда, Андижон вилояти ва тўмон миқёсда эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида аниқ мисоллар ёрдамида фуқароларга қизиқарли маълумотлар берапти.

Мисол учун, тўмонда 2014 йилда давлатга галла ва пахта топшириш шартнома режалари ортиги билан адо этилди. Махсулотлари мамлакат миқёсидан чиқиб хорижда ҳам харидориг бўлаётган «Руббер траст» хусусий корхонаси «Ташаббус — 2013» кўрик-танловидида голиб деб топилди.

Оқёр қишлоғидаги Хабибулло Каримов раҳбарлик қилаётган «Водий энергомаш механика» масъулияти чекланган жамиятида коллеж битирувчиларини ишга жалб этиш бўйича қўрилган тажриба вилоят миқёсда эътироф этилди. «Фабриканор» МЧЖ томонидан ўзлаштирилган оқори ва паст қучланишли электр сақлагичлар, фосфорли изоляторлар, ҳимоя воситалари саккизинчи Халқаро саноят ярмаркаси ва кооперация биржасида юқори баҳоланди.

Бир сўз билан айтганда, сайловларга тайёрлаш тўмонлик барча қишлоқ ва маҳаллаларида пухта режа асосида олиб борилаётгани тўғрисида сайловчилар мазкур сиёсий жараёни кўтаринки кайфият билан кутмоқдалар.

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

Мақсад ва вазифа бир, фақат ёндашув ўзгача

Тошкент шаҳар Мирзакалон Исмоилий номидаги маҳалланинг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича доимий комиссияси раислиги вазифаси маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар Қодирова зиммасида. Комиссия иш режасида ҳар бир аъзонинг аниқ вазифаси бор. Масъул шахс ижро интизомига қатъий амал қилади.

■ Фарида СУЛАЙМОНОВА Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейи она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Режа асосида ўтказиладиган йилгиликларда, ота-оналар мажлисларида улар ўз фаолияти бўйича ҳисоб бериб боради. Масалан, раис ўринбосарига вояга етмаганлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш вазифаси топширилган. Демак, у йил давомида ўтказиладиган тадбирларни болалар билан биргаликда тайёрлайди. Шунингдек, комиссия аъзоси Саломхиддин Имомовнинг зиммасига тарбияси оғирроқ болаларнинг ўқув муассасаларидаги тартиб-интизомини назорат қилиш масъулияти юкланган. Шу сабабли С.Имомов-

нинг бир оёғи доимо таълим муассасаларида.

— Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ноҳозир хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш фаолиятимизнинг бош мезони, — дейди Д.Қодирова. — Ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга йўналтириш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйинларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Маҳалламизда шашка, қаратэ бўйича тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, фарзандларимиз «Динамо» спорт мажмуасига қатнайдди. Саъй-ҳаракатлари миз натижаси ўғил-қизларимиз эришаётган ютуқларда акс этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, маҳалла ёшларининг спортда эришаётган ютуқлари

таҳсинга лойиқ. Мирсолиҳ Муродов кикбокс бўйича мамлакат чемпиони, Осиеъ Голиби, жаҳон биринчилиги совриндори, Шоҳжаҳон Жўраев ҳам қаратэ бўйича худди шундай натижаларни қўлга киритган. Мадина Комилова яқинда бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Суннат Бўриев, Саиджон Иноғомов каби ёш шахматчилар турли мусобақаларда совринли уринларни эгаллаб келмоқда.

Маҳаллага туташ ҳудудда жойлашган «Салар» фуқаролар йиғинининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича доимий комиссияси иш услуби кўни маҳалла комиссияси фаолиятдан бироз фарқ қилади.

— Айрим маҳаллаларда мазкур комиссиялар иши бизнинг фаолиятимиздан бирмунча фарқ қилади, — дейди комиссия раиси Абдумажид Усмонов. — Биздаги тажриба шуки, мавжуд кам таъминланган оила фарзандлари билан бўладиган мулоқотлар худди ота-она билан фарзанд ўртасидаги муомала-



муносабатдек ўтади. Уларнинг истақларини ўрганиб, қаноатлантириш, ташвишига яқин шерик, кўмакчи бўлишга интиламиз. Маҳаллада соғлом муҳит барқарорлигини таъминлашда ва вояга етмаганлар билан ишлашда ибратли оилалар тажрибаси ўрнатилиб кўрсатилади. Бундай хонадон эгалари ва уларда тарбияланаётган ўғил-қизлар билан суҳбатлар, учрашувлар уюштирилади. Ёш авлод

ўртасида маънавий баркамолликни тарғиб қилиш мақсадида уларни фан, маданият, санъат тўғарақларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хуллас, иккала маҳаллада ҳам мақсад бир, ёндашув эса турлича. Бу комиссия аъзоларининг вояга етмаганлар тарбияси гоёт нозик, масъулияти вазифа эканлигини тегран англаган ҳолда фаолият юришувлар уюштирилади. Ёш авлод

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

Тарбияда билим ва кўникма уйғун

Шўрчи тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил қилинган «Ота-оналар университети» ўз таркибига ҳуқуқшунос, тибобёт ходими, психолог, педагог, иқтисодчи ҳамда обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга зиёли инсонлар, намунали оила вакиллариини жамлаган.

■ Нигина ШОЕВА «Mahalla»

Улар иштирокида Низомга мувофиқ ота-оналар учун фарзанд тарбиясида қўл келадиган турли кўргазмалар воситалар, эслатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

— «Ота-оналар университети»нинг фаолиятини янада жонлантириш мақсадида ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, сиёсий, тиббий ва физиологик билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди университет раҳбари Зулайхо Ибрагимова.

— Оилаларни мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, фарзандни тарбиялаш кўникмасини эгаллашда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада психологик муҳитни таъминлаш, оила аъзоларининг ўз соғлиги тўғрисида қайғуриш туйғусини шакллантириш учун ўсирилган иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар олиб бораётимиз.

Фуқаролар йиғини худудиди хонадонларда камол топётган 345 нафар ёшнинг ота-оналари университет фаолиятининг ёрдам ва тавсиялари билан билим ҳамда кўникмаларини оширмоқда. Худуддаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчилари университет кенгашига жалб қилинган йиғин фаолларининг мактаб ўқувчи-

лари билан доимий мулоқотда бўлишига замин яратмоқда. Университет иштини мувофиқлаштириш ва самардорлигини ошириш мақсадида йиғин раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича амалиётчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари, худудий профпсихолог инспектори, Хотин-қизлар билан ишлаш, Маърифат ва маънавият масалалари бўйича ҳамда Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзолари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Давра суҳбатлари ва мулоқотлар назарий билим беришдан ташқари, баҳс-мунозара, эркин фикрлаш, савола-жавоб билан амалиёт кўникмалар билан уйғунлаштирилса, бу ота-оналарнинг бола тарбияси, унинг келажаги олдидидаги бурч ва мажбуриятларига масъулият билан ёндашишларида қўл келади. — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Санобар Эргашева.

Йиғин фаолларининг мақсади битта — оилаларни мустаҳкамлаш, ота-оналарда соғлом турмуш тарзи, оила маданияти, фарзанд тарбияси кўникмаларини шакллантириш. Бу эса комил инсонни тарбиялашда қўл келиши аниқ.



ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАСИ

Қизиқиш, интилиш ғалабага бошлайди

Мамлакатимизда ёшларнинг спортга қизиқиши ортиб бормоқда. «Фалончи чемпион бизнинг маҳалладош, бир қишлоқданмиз», деган гапларни тез-тез эшитамиз. Кейинги йилларда Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Дилором» маҳалласи аҳлидан ҳам ифтихор туйғуларни йўғрилган шундай қувончли эътирофлар қулоққа чалинаётир. Зеро, бу маскандан жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётир.

■ Бек НАЗАР «Mahalla»

— Ёшларимизнинг жаҳон олимпиадалари ва йирик халқаро мусобақаларда зафар кучилари, Ватанимиз байроғини баланд кўтараётганлари мамлакатимизда ёшларга, спортнинг амаллашувига қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, — дейди маҳалла фаоли Раҳима Абдурахмонова.

— Мен кўп йиллар «Дилором» маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишладим. Спортчи ёшларимиз кўз ўнгимда улғайишди. Ваколат доирасида худудда спортни ривожлантиришга, ёшларнинг иқтидорини, қобилиятини тарбиялашга ҳаракат қилдим. Маҳалламиз фарзандларидан Шерзод Жўраев, Бекзод Хўжабеков бокс, Вик-



ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Ирода синовларда тобланади

Юз йил. Гарчи бу мuddат кўҳна тарих олдиди қисқа бўлса-да, бир инсон ҳаёти нисолида олганда жуда узок вақтдек туюлади. Бир асрлик умр давомида тақдир синовларига дош бериш ҳар қандай кишидан метин иродани талаб этади.

■ Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги «Диёр» маҳалласида яшовчи Карим Назаровнинг 101 йиллик умри тақдир синовларига бой бўлди. Айни йилгитлик кезлари очарчиликнинг азобини кўрди. Фронт ортида меҳнат қилди. Бутун бошли хўжалик чорваси ташвишини елкасига олган К.Назаров Қашқадарёю Қоровулбозор даштларини пйёда кездиди. Аксини фронтга кузатганча, қайта дийдорлашолмаган қаҳрамонимиз учта оилани боқиб учун тинимсиз елди-югурди.

— Ўша кунларни эсласам инсоннинг жони темирдан ҳам қаттиқ эканига ишонч ҳосил қиламан, — дейди Карим бобо. — Чўпонликда тиним нимагини билмасдик. Тунни тонга улаб, қишу ёз қўлда таёқ билан даштдан бери келмасдик. Шундай шароитда тўққиз фарзандни вояга етказдик. Шуларни эслаб, бугунги кунимизга шукроналар айтаман.

Турмушнинг оғир синовлари бошига тушганда отахон ёруғ кунлардан умидини узмади. Беш ўғил, тўрт қизни ел қорига ярайдиган инсонлар сифатида вояга етказди. Айни пайтда Карим бобо 34 нафар нева-

ра, 59 нафар эвара, 1 нафар чевара ардоғида қарилк гаштини сурмоқда.

К.Назаров истиклолимизнинг йилгирма уч йиллигини ажойиб хўшбар билан қарши олди. У Юрбощимизнинг фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Фарзандларим мукофот билан тақдирланганини айтишганида беихтиёр кўзларимга ёш қалқди, — дейди нуруний. — Бу улуг ва муқаддас Ватанда ҳар бир инсон меҳнати қадрлинишига ўз ҳаётимда амин бўлдим. Илгари оғир шароитда меҳнат қилардик. Аммо ўшанда мукофот туғул, оддийгина «раҳмат»ни ҳам эшитмаганмиз.

Отахон нафақат ўзи умргузаронлик қилаётган Тошмасжид қишлоғи, балки «Диёр» маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳам фахри. Худудда туй-



Уммонларни туташтиради

Тинч ва Атлантика океанларини туташтирувчи Никарагуа канал жорий йилнинг 22 декабридан қазиланган бўлди.

Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги мазкур лойиҳани назорат қиладиган кўмита маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Каналнинг йўналиши жорий йил июль ойида тасдиқланган. Панама каналига муқобил равишда қазиланган мазкур сув йўли ундан 805 км. узоқликдан барпо этилади. Қурилиш сармоядорлар учун 50 млрд. долларга тушади.




Янги каналнинг узунлиги 278 км.ни, эни 230 дан 520 метргачани, чуқурлиги 27,6 метрни ташкил этади. Бу Панама канали билан солиштирганда икки баробар катта миқёсдир. Сув йўли Марказий Америкадаги йирик Никарагуа қўлидан

ўртасида маънавий баркамолликни тарғиб қилиш мақсадида уларни фан, маданият, санъат тўғарақларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўтади. Лойиҳани асосан Гонконгнинг «HK Nicaragua Canal Development Investment Co Ltd» (HKND Group) компанияси амалга оширади. 2020 йилда фойдаланишга топшириладиган янги сув йўли дунё уммонларида ҳаракатланаётган кемалар қатновини бирмунча енгиллатиб, манзилини яқин қилиб, ортиқча сарф-харажатларга чек қўяди.

Қизил сайёрага қадам

Хитой келгусида Марсни ўрганиш дастурининг дастлабки тадқиқотларига киришади.



Мамлакат Қизил сайёрага ўзининг илк қурилмасини 2020 йилда юборишни режалаштираётир. Бу ҳақда «China Daily» нашри Хитой миллий космик бошқармаси бош қотиби Тянь Юлуннинг сўзларига таяниб хабар тарқатди. Гуандун музофотидаги Чжухай шаҳрида ўтган халқ-

аро аэрокосмик кўргазмада муҳандислар марсиорнинг тимсолини намойиш этишган. Мазкур ровер олтига гилдиракдан иборат бўлади. Шунингдек, у орбитал аппарат ва тушириладиган модулни ўз ичига олади.

Хитойнинг Марс тадқиқотлари бўйича дастури ҳали тасдиқланмаган. Бироқ олимлар унинг умумий амалга оширилишига шубҳа билдиришмаяпти. Айни пайтда Қизил сайёра юзасида НАСАнинг 2 та ровери: «Curiosity» ва «Opportunity», шунингдек, хиндларга тегишли «Mangalyaan» зонди иш олиб борапти.

Шифокор беморга айланди

Сьерра-Леонада Эбола безгагига чалинган маҳаллий аҳолини даволашда иштирок этган кубалик шифокорнинг ўзи мазкур касалликни юқтирган.

«Reuters»нинг маълум қилишича, Феликс Баэс исмли шифокорда безгак белгилари кузатилган ҳамда тасдиқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти беморни Женевадаги университет шифохонасига ётқизишга қарор қилган.



Баэс Фарбий Африкадаги 256 нафар кубалик шифокор ва ҳамширадан биридир. Олти ойлик хизмат сафари билан Сьерра-Леонага 165, Либерияга 53 ва Гвинеяга 38 нафар тиббий ходим юборилган.

ЖСТнинг маълумотларига кўра, жорий йил февралдан буён безгакни юқтирганлар сони 14 500 нафарга етган, 5 200 нафардан зиёд киши эса касаллик қурбонига айланган.

■ Интернет материаллари асосида Ф. КОМРОН тайёрлади.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррор
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Муассасхих: Н.Азимова
Навбатчи: З.Хайитова
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоуси келишилган нарҳда.